



“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРНИНГ
413 МИНГ 830 НАФАР
МЕХНАТГА ЛАЁҚАТЛИ
АЪЗОЛАРИ БИЛАН
МАҲАЛЛА РАИСИ
ЎРТАСИДА ИЖТИМОИЙ
ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 ЙИЛ
19 ИЮЛЬ,
ШАНБА

Mahalla

№58
(2282)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

Уюшма раиси тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси раиси
Қаҳрамон
Куронбоев ҳамда
Самарқанд
вилояти ҳоқими
вазифасини
бажарувчи
Адиз Бобоев
тадбиркорлар
билан мулоқот
қилди.



Тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган мазкур мулоқотда вилоятдаги бизнес вакиллари иштирок этди.

Учрашув давомида тадбиркорлик субъектлари банк кредитлари ва субсидиялар ажратилиши, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, стартап ғояларини жорий қилиш, меҳмонхона биноси учун рухсатнома олиш, табиий газ тармоғига уланиш, маҳсулот экспортини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан амалий ёрдам сўраб муурожаат қилишди.

Шунингдек, мулоқотда ишлаб

чиқариш, туризм, қишлоқ хўжалиги, хусусий тиббиёт ва бошқа соҳалардаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммо ва таклифлар тингланиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Шу билан бирга, қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган айрим масалаларнинг ечими учун муддатлар белгиланди.

Учрашув сўнгига вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган “Ислохотлар штаби” фаолиятига тўхталиб, тадбиркорларни мазкур штабларга жалб қилиш, маҳаллалар кесимида лойиҳалар ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

ЖАРАЁН



УЮШМА КУНДАЛИГИ

МАҲАЛЛАДА РАИС ВА ЁШЛАРНИНГ МУНТАЗАМ МУЛОҚОТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган мулоқотда маҳалла тизими бўйича устувор вазифаларни белгилаб берганди. Айни пайтда жойларда ана шу топшириқлар ижроси доирасида учрашувлар, очиқ мулоқотлар ташкил этилапти.

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Унга кўра, ҳар бир йиғинда бир ойда бир мартаба “Раис ва ёшлар” учрашуви ташкил этилади, йигит-қизлар билан мунта-

зам мулоқот йўлга қўйилади, уларнинг фикр ва таклифлари эшитиб борилади. Ишсиз ёшлар ва битирувчилар рўйхати шакллантирилиб, улар маҳалладаги тадбиркорларга бириктирилади. Маҳалла ёшларининг қизиқи-

ши реестри тузилади. Тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик қилган ёшларга маҳалла фаоллари мураббий сифатида бириктирилиб, “Бир нурунийга ўн нафар ёш” лойиҳаси самарали ташкил этилади. Ёшларга оид лойиҳаларнинг манзиллиги таъминланади, туман даражасида ўтказиладиган тадбирлар, аввало, маҳаллада, унинг ҳар бир кўчасида уюштирилади. Ҳар ойда бир мартаба ёшлар иштирокида ҳашарлар амалга оширилади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича Республика комиссияси раиси Қаҳрамон Куронбоев бошчилигидаги ишчи гуруҳ юқоридаги вазифаларнинг ижроси, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган саноат-ҳаракатларни ўрганишти. Мулоқотларнинг навбатдаги манзили — Жиззах ва Сирдарё вилоятлари бўлди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ
СОНДА:

Ҳар бир ёшнинг орзуси осмон, мақсади улуғ, қадами илдам

“Ёшлар бизга ишонади. Улар ғурур билан яшашни истади. Биз ҳар бир ёшнинг орзуси рўёбга чиқиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз. Чунки улар — келажак эгалари ва бу келажакни улар билан бирга барпо этамиз”.

3-с.

“Катта лейтенант энди капитан бўлди”

“Яқинда маҳалламизга ташриф буюрган давлатимиз раҳбарига “маҳалла еттилиги” билан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳисобот бериб, жорий йил охиригача маҳаллада бирорта жиноят содир бўлмаслигига ваъда бердим”.

5-с.

Ирода кучи билан қийинчилик имкониятга айланди

Шу пайтгача имконияти чекланган фуқароларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш борасида қатор камчиликлар мавжуд эди. Кўплаб ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат қилиш, мустақил даромад топиш имкониятидан четда қолаётганди.

6-с.

Ҳалол меҳнат билан топилган ризқ — баракали

“Хонадонма-хонадон юриш жараёнида ҳашаматли, ҳовлисида уйр нечта автоуловлари бўлган айгир эканмиз, уларни бахтли, бекаму кўст ҳаёт кечирапти, деган фикр ҳаёдан ўтади. Лекин улар билан суҳбатдан кейин...”

7-с.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

**“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko'zgusi” журнаliga
2026 йил учун
ОБУНА БОШЛАНДИ!**

**УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ
СИЗНИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ,
ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР,
ХОЛИС ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ,
ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!**

**ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?**

**ШОШИЛИНГ!
МАҲАЛЛАНИ
“Mahalla”СИЗ
ТАСАВВУР
ЭТИШ
ҚИЙИН...**

**МУРОЖААТ УЧУН
ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89,
71 233-10-92**

**“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ,
СИЗ-ЧИ?”**

**“MAHALLA”
— ЯҚИН
ҲАМРОҲИМ,
МАСЛАҲАТЧИМ!”**

Марина
МУРЗАМЕТОВА,
Юнусобод
туманидаги
“Ахиллоб”
маҳалласи раиси:

— Ёшлигимдан газета-журналларни севиб ўқийман. Почтачининг уйга газета олиб келишини интиқлик билан кутардим. Қизиқишим кейинчалик касбим тақозоси билан заруратга айланди. Фаолиятим давомида тизим бош наشري — “Mahalla” газетаси яқин ҳамроҳим, маслаҳатчим бўлиб келди.

Ҳар қандай соҳада ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкасблар билан мулоқот олиб бориш муҳим ҳисобланади. Шу маънода

“Mahalla” тизим ходимлари учун мана шундай минбар вазифасини бажармоқда. Газетанинг ҳар бир сонини синчиклаб ўқиб, керакли маслаҳатларни оламан. Қолаверса, энг долзарб мавзулардаги таҳлилий мақолалар, қарор ва фармонларга шарҳлар билан танишиб бораман.

“Mahalla” газетасига обуна бўлганимга асло афсусланмайман. Аксинча, тўғри танлов қилганимдан хурсандман. Сиз ҳам обуна бўлишга улгуриб қолинг!



Ислоҳотларни амалга оширишда истиқболли ташаббусларни янада кўллаб-қувватлаш бўйича **ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ** қабул қилинди.



Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида **ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ** такомиллаштирилади.



ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ саммити 31 август — 1 сентябрь кунлари Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтади.

••••• УЮШМА КУНДАЛИГИ

••••• КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

Маҳаллада раис ва ёшларнинг мунтазам мулоқоти ўтказилади



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Сирдарё вилояти ҳокимлигида ёшлар масалалари билан ишлашга масъул ташкилот раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда ёшлар бандлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят ва туман (шаҳар) раҳбарларининг ёшлар бандлигини таъминлашдаги фаоллиги танқидий кўриб чиқилди. Сусткашликка йўл қўйган масъулларга нисбатан зарур чоралар кўрилиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, маҳалла раислари, ёшлар етакчилари ва ҳоким ёрдамчиларининг таълим муассасалари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиши, бу орқали таълимдаги ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд этилди. Учрашув якунида Сирдарёни ёшлар ишсизлигидан холи ҳудудга айлантириш, барчани даромадли меҳнат билан банд қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Ташриф давомида Қаҳрамон Қуронбоев чет тилларни ўрганаётган, ер майдонларидан даромад топаётган ёшлар билан беvosита учрашиб, уларнинг фаолиятини кенгайтириш бўйича тавсиялар берди. Шунингдек, жойларда ёшларга ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш ҳолати, уларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ҳамда фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича долзарб мавзудаги учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Навбатдаги манзил — **Жиззах вилояти**. Ишчи гуруҳ томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига кенгрок жалб этиш, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интегра-

цияни кучайтириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга жойида ечим топиш каби долзарб масалалар чуқур таҳлил қилинди.

Йиғилишларда вилоят, туман ва шаҳар даражасида ёшлар билан ишлаш тизимининг ҳақиқий ҳолати, мавжуд имкониятлар ва тўсиқлар юзасидан танқидий муҳокамалар ўтказилди.



Республика ишчи гуруҳи бу сафар нафақат мавжуд ҳолатни ўрганди, балки ёшлар бандлигини таъминлашга оид янги ёндашувлар, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, тадбиркорликни бошлаётган ёшларга амалий кўмак кўрсатиш бўйича тавсияларни илгари сурмоқда.

Ўрганишлар давомида аҳоли, айниқса, ёшлар билан очик мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг фикр ва ташкилоти асосида жойида ҳал этилиши мумкин бўлган катор муаммолар аниқланиб, ечимлар белгиланди. Шунингдек, ёшлар билан сайёр қабул ташкил этилди. Унда асосий эътибор ёшларнинг бандлиги, таълим, ҳуқуқий ҳимоя, тадбиркорликни бошлашдаги тўсиқлар, ижтимоий ёрдам масалалари ва бошқа ҳаётий долзарб йўналишларга қаратилди.

Бу каби мулоқотлар орқали ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг дардини эшитиш ва тезкор ҳал этиш тизимини жорий этиш — ёшлар сиёсатининг амалий қисмига айланганининг яққол кўринишидир.

“Оғир” тоифадан ўтдик, орзу қилган кунга етдик

Фарғона вилоятининг чекка ҳудудларида одамлар учун бир пайтлар орзу бўлган кунлар бугун ҳақиқатга айланмоқда. Турмуш шароити ўзгаришти. Қувонарлиси, бу ўзгаришлар қоғоздаги режаларда, статистик рақамларда эмас, аҳолининг кўз ўнгиде амалга ошириляпти. Обод маҳаллалар, асфальтланган кўчалар, яхшилланган суғориш тизими...

Адҳам ЗИЁВИДДИНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи.

Президентимизнинг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури-ни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида вилоятдаги 99 та маҳалла “оғир” тоифага киритилган. Дастур доирасида ушбу маҳаллаларда кенг қамровли амалий ишлар олиб бориляпти. Биргина томорка ерларни суғоришни яхшилаш учун 5 дона насос агрегати, 114 дона суғориш кудуғи, 10,8 километр қувур тортиш, 2 километр латок ўрнатиш, 115,7 километр суғориш тармоғини бетонлаш режалаштирилган. Бунинг натижасида 28 минг 499 та хонадоннинг салкам 6 310 гектар томорқасида сув таъминоти яхшиланиб, томорқадан самарали фойдаланиш имконияти яратилди.

Фуркат тумани — вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар манзарасини яққол акс эттираётган ҳудудлардан бири. “Оғир” тоифадаги маҳаллаларга ҳаёт нафаси кириб борапти. “Жалойир” маҳалласи бунга ёрқин мисол. Бу ерда истиқомат қىлаётган 2 315 нафар аҳолининг асосий даромади — чорвачилик, деҳқончилик ва тикувчилик ҳисобланади.



Сўнгги йилларда “Жалойир” маҳалласида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Бугун маҳалла аёллари нафақат рўзгор ишларида, балки иқтисодий ҳаётда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Деҳқончилик маҳалланинг доимий эътибор марказида. Аҳоли картошка, помидор, маккажўхори ва тўқсонбости каби экинларни экиш орқали мўл ҳосил олаётган бўлса, сўнгги йилларда узумчилик ҳам кенг ривож топди. Бу эса махсулот турларининг диверсификациялашуви, даромад манбаларининг кўпайиши ва бозор талабига мослашувчанликни таъминламоқда.

Маҳалланинг ўзига хос брендида айланган яна бир йўналиш — атиргул етиштиришидир. Худуднинг табиий иқлими атиргул парваришига мос келади. Бугун яхшилланган суғориш тизими орқали эса бу фаолият кенг қулоқ ёйди. Ҳозирги кунда ўнлаб хонадонлар ўз томорқасида атиргул етиштириб, ички бозорга махсулот тайёрламоқда. Худудда инфратузилма

борасида ҳам кўплаб муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Авваллари чанг-тўзон кўтариладиган, ёмғирли кунлари лойга айланувчи кўчалар асфальт билан қопланди. Маҳаллада сув таъминоти сезиларли даражада яхшилланмоқда. Бу эса деҳқончилик билан шуғулланаётган фуқаролар учун катта қулайлик яратди.



Бугун “Жалойир” маҳалласи нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, балки фуқароларнинг ўз ҳаётига, келажакига бўлган ишончини оширган ҳудуд сифатида намуна бўлмоқда.

Тумандаги “оғир” тоифага кирувчи “Қизил қиёқ” маҳалласида ҳам Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ободлик ва бунёдкорлик дастури доирасида ҳаёт даражаси тубдан ўзгариб бормоқда. Маҳалланинг ҳар бир гузарига, ҳар бир кўчасида олиб борилаётган ишлар халқимизнинг ҳаётидан, кўнглидан жой олаётганини яққол кўриш мумкин.

Худудга 3 миллиард 104 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилиб, бу маблағлар ҳисобидан бир нечта йўналишларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Маҳаллада энг муҳим инфратузилмалардан бири бўлган электр таъминоти тизими тубдан яхшиланиб, эскирган симёғочлар замонaviйларига алмаштириляпти. Аҳолининг асосий бандлиги деҳқончилик билан боғлиқ бўлган “Қизил қиёқ”да суғориш тармоқлари реконструкция қилиняпти. Бетон ариқлар, таъмирланган каналлар, янгидан қурилган сув йўллари — буларнинг барчаси ерларнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Эндиликда ҳар бир хонадон сув билан таъминланади, бу орқали эса томорқаларда ҳосилдорликни бир неча баробарга ошириш имконияти мавжуд.

Авваллари чанг-тўзон кўтариладиган тор ва нотекис кўчалар бугун замонaviй асфальт билан қопланган.

Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бу каби ишлар, аввало, инсон қадри, халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Ҳар бир қадамда аҳолининг розилиги, ишончи, қўллаб-қувватлаши асосий мезон бўлиб қолмоқда.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ҚИЙИН, АММО ЗАВҚИ БИЛАН ЯШАШ ШИРИН

Бир он йўлимда тўхтаб, атрофдагиларни кузатаман: ҳамма ўз иши, ташвиши билан овора. Замон шу даражада тезлашиб кетганки, ҳеч кимнинг бировни тинглашга вақти йўқ. Авваллари мен ҳам шундай жуда банд эдим...



Жамол РАИМОВ, Самарқанд шаҳридаги “Зиёкорлар” маҳалласи раиси.

Хизмат кўрсатиш йўналишида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланар эканман, фақат бизнесимни ривожлантириш учун ҳаракат қилардим. Маҳалладошларимиз раис сифатида мени

сайлашганидан кейин вазият бутунлай ўзгарди. Энди халқ дарди билан яшай бошладим. Бизнесимни бир четга суриб, одамларни қийнаётган масалалар билан шуғулланыпман. Билдирилган ишонч, зиммамга катта масъулият юклади.

Хонадонларга кириш асосида инсонлар ҳаёти билан яқиндан танишяпман. Кўмак-

ка муҳтожларга қўлимиздан келганча ёрдам берапмиз. Халққа хизмат қилишнинг қийинчиликлари билан бирга, завқли жиҳатлари ҳам жуда кўп. Кимнингдир шароитини яхшилашга, даромад топишига хиссамаси кўшилганини ҳис қилишнинг ўзи ёқимли.

Маҳалламизнинг “ўсиш нуқтаси” — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш. Аҳоли вакилларининг кўпчилиги шу йўналишларда фаолият олиб боришади. Бундан ташқари, паррандачилик билан шуғулланадиганлар ҳам анчагина.

Жумладан, Ҳожимамедовлар оиласининг мазкур соҳани ривожлантираётганига ўн йилдан ошди. Тўрт ака-уканинг ҳамжиҳатликда қилаётган меҳнати бугун ўз мевасини берапти. Парвариш қилинаётган 30 мингдан ортиқ паррандадан олинаётган тухум ва гўшт махсулотлари юртимизнинг барча ҳудудларига етиб борапти. Қолаверса, ишсизларнинг бандлигини таъминлашда бу корхонанинг хиссаси жуда катта.

Яна бир тадбиркоримиз Икром Багиров мебель ясаш бўйича кўп йиллик тажрибига эга усталардан. Маҳалла тавсияси билан берилган 100

миллион сўм кредит эвазига фаолиятини кенгайтirdи. Айни вақтда 4-5 нафар шоғирди билан бирга ошхона мебеллари ва уй жиҳозлари ясаб, элнинг дуосини оляпти. Бундан ташқари, кўни-кўшниларига хунар ўргатиб, устозлик қиляпти.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни ҳам билдириб ўтмоқчиман. Охириги вақтда топшириқларнинг кўпайиб кетгани боис маҳалла раиси компьютер олдиға михланиб қолди. Ҳисоботлар, ҳужжат ишларидан ортиб, одамларнинг ҳолидан хабар олишға қўлимиз тегмаяпти. Шу масалани бироз енгиллаштириш учун тизимда масъул котиблар фаолиятини йўлга қўйиш керакдир балки.

Ёки маҳалланинг ўзида истикомат қиладиган фуқаролар орасидан хотин-қизлар фаолини сайлаш керак. Кимнингдир қарори билан тайинланган, бошқа ҳудуддан келиб, бир-икки кунгина ишлаб кетаётган бу ходимлар аввалгидек натижа кўрсата олмаляпти. Агар кўпни кўрган, тажрибали кишиларни сайлов асосида идораға олиб келсак, кўплаб оилавий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишға кўмаклашади.

••••• ТАКЛИФ

••••• МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“МАҲАЛЛА ЛИГАСИ” — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ГАРОВИ

Бугун Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси аҳолининг жисмоний фаоллигини оширишға алоҳида эътибор қаратяпти. Бу борада юртимиз бўйлаб ўтказиляётган “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаси муҳим аҳамият касб этияпти.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси.

30 ёшдан юқори бўлган фуқаролар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш мақсадида ташкил этиляётган мазкур мусобақа Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларида кўтаринки руҳда ўтказиляпти.

Қибрай туманида ташкил этилган мусобақада иштирокчилар спортнинг етти тури бўйича ўзаро беллашди. Унда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаол иштирок этиб, волейбол, шахмат-шаш-

ка ва бошқа спорт турларида ўз маҳоратларини намойиш этди.

Чирчиқ шаҳрида ўтказилган мусобақада ёши катталар спортда қанчалик чиниққанини кўрсатиб, ёш авлодга намуна бўлди. Жамиятда спорт ва соғлом турмуш тарзига нисбатан ижобий муносабатни шакллантирди.

Барчани соғлом турмуш тарзига қорляётган “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаси **Пискент туманидаги** спорт мактабида ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Мусобақа ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.



“КЕЛАЖАК УЧУН”
истикболли ташаббуслар
форумини ўтказиш
тартиби тўғрисида”ги
низом тасдиқланди.



Ҳукумат
СУЊИЙ ИНТЕЛЛЕКТ
технологияларини
жорий этиш бўйича
устувор лойиҳалар
рўйхатини тасдиқлади.



ЁШЛАР
СТАРТАПЛАРИ УЧУН
100 миллион сўмдан
2,5 миллиард сўмгача
маблағ ажратилади.

ИМКОНИАТ

ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИ: МУНТАЗАМ МАШҒУЛОТ, ИНТИЗОМ ВА ТИРИШҚОҚЛИК

Ўзбекистонлик спортчиларнинг тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинларида қатнашиши, ғолиблар сафидан жой олиши одатий воқеликка айланиб улгурди. Бугун олис ва яқин маҳаллаларда Баҳодир Жалолов, Ҳасанбой Дўстматов, Диёра Келдиёрова, Улуғбек Рашидовга хавас қилмаган, уларга ўхшашни истамаган йигит-қизлар қолмади ҳисоб.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Навбатдаги Олимпиада ўйинлари 2028 йилда АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ўтказилади. Бу гал ҳам спортчиларимиз фақат юқори марраларни, ғолиблик шохсупасини кўзлашган. Зотан, Олимпиада, бу — нафақат спорт, балки миллат шаъни, Ватан ифтихори, халқнинг юксак мақсадларга интилувчанлиги намоиши ҳамдир.

Айни жиҳатдан Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 8 июлда соҳага тааллуқли муҳим қарорни имзолади. “2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги Президент қарори нафақат спортчилар учун, балки бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун улкан имкониятлар эшигини очди.

Қарорга кўра, эндиликда 2025 йилдан бошлаб, ўсмирлар ва

ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатлари бутунлай янги форматда — **уч босқичли “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” спорт мусобақалари** сифатида ўтказилади. Бу дегани, ҳар бир бола — шахар, туман, ҳатто қишлоқда спорт билан шуғулланаётган ҳар қандай ёш спортчи энди Олимпиада сари юз тутта олади.

Бу мусобақаларда жисмоний ва юридик шахслар, яъни хусусий спорт мактаблари, маҳаллий секциялар ёки давлат спорт муассасаларида тайёргарлик кўрган ёшлар иштирок этиди. **Талаб аниқ: мунтазам машғулот, интизом ва тиришқоқлик.**

Мусобақаларнинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида **“Президент Олимпиадаси”** номи билан ўтказилади. Бу — оддий мусобақа эмас, балки Ватан шаънини кўзлаб интилаётган, спорт марраларини забт этишни истаган ёшлар учун катта синов ва шарафдир.

Энг яхшилар фақат мукофот билан кифояланмайди, уларнинг келажак йўлига ҳам шароит яратилади:

- 1-2-ўрин эгалари — Республика олимпия ва паралимпия марказларига йўлланма олади;
- 3-ўрин эгалари — ҳудудий марказларда спорт йўлини давом эттиради.

Яъни эндиликда бола “чемпион бўлдим, кейин нима?” деб ўйлаб ўтирмайди. Ҳар бир ғалабанинг давоми бор. Ҳар бир уриниш натижа беради.

Қарорда яна бир муҳим жиҳат бор: Олимпиадада асосий эътибор қаратадиган спорт турлари белгилаб қўйилди. Улар — бокс, дзюдо, таэквондо, эркин кураш, оғир атлетика каби медаль келтириш эҳтимоли юқори бўлган спорт турларидир. Шу билан бирга, ривожланаётган спорт турлари — триатлон, баскетбол, стол тенниси, замонавий беш кураш ва бошқаларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Бу орқали мамлакатимиз нафақат юқори натижа, балки кенг қамровли спорт ҳаракати, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилмоқда. Асосий мақсад — юксак натижа спорт имконияти кўп, деб ҳисобланарди. Энди бутун Ўзбекистон



чўққилари”, бу — фақат мусобақа эмас, балки фарзандларимизнинг ўз имкониятларини намоён этиши, оёққа туриши, эртага юртга нафи тегадиган инсонлар бўлиб шаклланиш йўлидир. Авваллари фақат Тошкент ёки ийрик шаҳарларда спорт имконияти кўп, деб ҳисобланарди. Энди бутун Ўзбекистон

бўйлаб, ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда спортчилар қатъий белгиланган меъёрлар асосида тарбияланади. Бизнинг болаларимиз ақли, чакқон, меҳнатсевар. Фақат уларга йўл кўрсатиш, имконият бериш керак, холос. Натижалар эса сўнгра ортиги билан бизни хурсанд қилаверади.

МАНЗАРА

Ҳар бир ёшнинг орзуси осмон, мақсади улуғ, қадами илдам



Маҳалламизда қанча ёш бор, дейсизми? Рақамга келсак — 487 нафар. Аммо улар фақат рақамларнигина ҳосил қилмайди, балки ҳар бири юксак орзулар билан яшаётган, мақсади сари илдам ҳаракат қилаётган, ўз йўлини топишга интилаётган йигит-қизлардир. Кимдир касб-хунар ўрганапти, кимдир ишга жойлашган, яна бошқаси тадбиркорликни йўлга қўйган. Биз, “маҳалла еттилиги” вакиллари бу йўлда уларга кўмакчи, йўл кўрсатувчи бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

Фарзона ШАВКАТОВА,
Самарқанд шаҳридаги “Бунёдкор”
маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшларнинг 30 фоизи тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритмоқда. Ал-

батта, бу — катта ютуқ. Айниқса, имтиёзли кредитлар орқали ўз ишини бошлаб, мустақил бўлаётган ёшлар сафи кенгайиб борапти. Мисол учун, Ситора Зайниева ҳамда турмуш ўртоғи 17 миллион сўм кредит эвазига новволий фаолиятини бошлаб юборди. Оила бошлиғи илгари бу соҳада тажриба

орттиргани боис, уларга ишонч билдирдик ва новвойхонани уйларида ташкил этишларига кўмаклашдик. Ҳозирда тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Тез орада мазали нон хиди маҳалламизни қамраб олади, деган умиддамиз.

Иш бор жойда қийинчилик, машаққат бўлиши тайин. “Ёшлар дафтари”га йигит-қизларни кириштида бироз қийинчиликлар юзага келмоқда. Чунки эндиликда бу тизим ижтимоий ёрдам реестри орқали юритилмоқда. Баъзи ёшлар бу тизимга киритилса, “камбағаллик” мақоми қўйилгани, деган хавотирда рад жавоби бермоқда. Бу эса уларни ёрдамдан четда қолдирапти. Албатта, “еттилик” вакиллари билан бирга очик мулоқотларда бу реестр ёрдам олишдаги бир

эшик эканини тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Мана шунга бир мисол: яқинда маҳалламиздаги бир йигит ана шундай оғир вазиятга тушиб қолди. У мактабни эндигина битирган, ҳайдовчилик курсларига қатнаб юрган эди. Оиласи оддий, ўртаҳол бўлса-да, бирданига отасидан айрилиб, боқувчисиз қолди. Онаси уй бекаси, ҳеч қаерда ишламайди. Йигитнинг ўқишини давом эттиришга моддий имкони бўлмади. Биз унга ижтимоий реестрга кириб, ёрдам олишни таклиф этдик. Лекин у рад этди. “Мен биринчи фарзандман. Энди бу уйда масъулият менда”, деди.

Ёш бўлса-да, ғурур билан ҳаракат қилди — кредит олиб, оиланинг қарзларини ёпди, ҳозирда ишлаб, ўзига ва оиласига таянч бўляпти. Бундай ёшларни кўриб, инсон беихтиёр фахрланади. Биз эса маҳалла фаоллари билан биргаликда ана шундай йигит-қизларга рағбат беришга, қандай бўлмасин, уларга елкадош бўлишга уриняпмиз.

Маҳалламизда йил бошидан буён 3 нафар ёшга “Ёшлар дафтари” орқали шартнома пуллари тўлаб берилди. Норасмий ишлаётган бир неча нафар ёшнинг ҳуқуқий ҳолати ҳал этилди, иш топишда кўмак берилди. Икки нафар ёшни сартарошликка ўқитиб, сертификат олишларида ёрдам бердик. Ҳозир улардан бири — Дамир Эргашев сартарошхона очиб, ўз меҳнати билан даромад топяпти.

Ёшларни хунари қилиш, қўлида хунари бўлган ёшларга бозор топиб бериш ҳам долзарб масалалардан. Шу мақсадда бепул мунчоқсозлик тўғрагини ташкил этдик. Қувончлисига, 20 нафардан ортиқ ёш ушбу хунарни ўрганиб, даромад топяпти.

Ёшлар бизга ишонади. Улар ғурур билан яшашни истайди. Биз ҳар бир ёшнинг орзуси рўёбга чиқиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз. Чунки улар — келажақ эгалари ва бу келажақни улар билан бирга барпо этамиз.



Маҳалла ёшлари орасида “IT” соҳаси ва чет тилларини ўрганишга қизиқиш ниҳоятда юқори. Айниқса, инглиз тили бўйича иқтидорли ёшлар бор. Ҳозирги кунда 13 нафар ёш 7.0 ва 7.5 даражали “IELTS”, шунингдек “B2” даражадаги халқаро сертификатларга эга.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ДЕКРЕТ”ДАН ҚАЙТГАН ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАТИШ МУМКИНМИ?

Нозима АҲРОРОВА.
Ангрен шаҳри:
— Ёш онаман ва мактабда инглиз тилидан сабоқ бераман. Бола парвариши таътилидан қайтсам, директор сертификатим йўқлигини баҳона қилиб, мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи. Бу қонунийми?

Бахтиёр ЭРҒАШЕВ,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Ангрен
шаҳар бўлинмаси Кенгаши
раиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча хорижий тил ўқитувчилари 2025/2026 ўқув йилига қадар камида “B2” даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатга эга бўлишлари шарт.

Агар белгиланган муддатгача ўқитувчи ушбу сертификатни ололмаса, у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми 3-банди (“малакаси етарли бўлмагани сабабли эгаллаб турган лавозимига мос эмаслиги”) асосида бекор қилиниши мумкин. Бироқ кодекснинг 409-моддасига мувофиқ, агар ходим бола парвариши ёки туғруқ таътилидан қайтган бўлса, у билан меҳнат шартномасини малака етишмовчилиги асосида бекор қилишга, таътилдан чиққан кундан бошлаб, 1 йил давомида йўл қўйилмайди.

Яъни чет тили фани ўқитувчилари 2025-2026 ўқув йилигача камида “B2” сертификатини олиши лозимлиги белгиланган бўлса-да, сертификатга эга бўлмаган ходим бола парваришlash ёки туғруқ таътилидан қайтганидан сўнгра бир йил ичида у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмас. Агар бир йил ичида сертификатни ололмаса, ишдан бўшатиш асосли бўлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

50 та иш ўрни, бу — 50 та оиланинг рўзғори бут дегани


Навоий шаҳрининг “Тинчлик” маҳалласи ҳудудига иқтисодий ривожланишнинг яна бир муҳим босқичи бошланди: беш гектар ер майдонида автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Лойиҳа қиймати 20 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, у тўлиқ ишга тушгандан сўнг 50 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлади. Ҳозирги кунда ер майдони текисланмоқда. Қурилиш ишлари босқич-ма-босқич амалга оширилиб, Хитой ва Италиядан замонавий асбоб-ускуналарнинг бир қисми аллақачон етиб келган. — Бу завод фақат иқтисодиёт учун эмас, халқимиз учун ҳам муҳим, — дейди “Тинчлик” маҳалласи раиси Анвар Йўлдошев. — 50 нафар инсонга доимий



иш ўрни яратилиши, бу — 50 та оилада барқарорлик, тинчлик ва рўзғор бутлиги таъминланди дегани. Маҳалладаги катта-кичик ҳаммани бу лойиҳа қизиқтирмоқда. Айниқса, ёшлар орасида ишга қабул бўйича қизиқиш катта. Ўйлайманки, завод ишга тушгач, маҳалла инфра-тузилмаси янада яхшиланади.

Таҳлилчилар фикрича, бундай саноат объектлари маҳаллий иқтисодиётни тиклаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва касб-хунари ёшларни мамлакатда бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутadi.



Тожикистон Ўзбекистонга
ҳар йили 1 апрелдан
30 сентябрга қадар
Роғун ГЭСидан
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ
ЭКСПОРТ ҚИЛАДИ.



КЎЧМАС МУЛКНИ
ОММАВИЙ БАҲОЛАШ
2025-2026 йилларда
— Тошкент шаҳрида,
2026-2027 йилларда —
Нукус шаҳри ва вилоят
марказларида бошланади.



Тошкентда
UZFACE —
ФУҚАРОЛАРНИ
АНИҚЛАШ ТИЗИМИ
синов тарикасида
жорий этилиши мумкин.

ЎЗГАРИШ

Бўш қолиб, бекор юрган одамни учратмайсиз

Гурлан тумани нафақат Хоразм вилоятининг, балки республиканинг чекка, чегара худуди саналади. Жануби-ғарбда Туркманистон Республикаси билан чегарадош. Бу ерда 44 та маҳаллада 152 минг нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилади.



Жалил ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Гурлан тумани
бўлими бошлиғи.

Барча маҳаллаларда
“Сайхунобод”, “Уйчи”
ва “Истиклол” тажрибалари

ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сарми” дастури асосида аҳоли бандлиги таъминланяпти, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиб, тадбиркорлик йўналишлари кенгайтириляпти. Тумандаги “Зиёкорлар” маҳалласи деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

Маҳалла аҳолиси, асосан, буғдой, шоли, сабзавот ва полиз экинлари экиш орқали бозорлар тўқинлигига ҳисса қўшиб келяпти. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида қўшимча даромад манбаи яратиб, шунинг орқасидан рўзгорига барака киритяпти. “Маҳалла еттилиги” аҳоли

турмуш фаровонлигини яхшилаш, маҳаллани тўлиқ ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш борасида кўплаб оилаларни ўзлари танлаган йўналишда иш бошлашига кўмаклашди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқаролар кўллаб-қувватланяпти. Ижтимоий ёрдамлардан мақсадли фойдаланиб, ўз уйида тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда бандлигини таъминлаётганлардан бири — Равшанбек Ражаббоевдир. У 2023 йил парранда ва чорва моллари боқишни бошлади. Дастлаб 4 500 бош парранда ва бир нечта чорва моллари бўлган фуқаронинг бугун 20 минг бош паррандаси бор. Йиллик даромади 200 миллион сўм атрофида. Мафтуна Утамуродова паррандачилик, гулчилик, дала ва томорқа ишлари билан маҳалланинг намунави келинларидан. Ҳозир у оила бюджетига 1000 бошдан ортиқ парранда ортидан яхши

гина даромад келтиряпти. Томорқадаги мева ва сабзавотлар эса қўшимча фойда. Маҳалланинг яна бир ишбилармон кизи — Жавҳарий Абдураимова ҳам юқори даромад эгасига айланган. У 2022 йилда “Ёшлар дафтари” рўйхатига киритилганидан сўнг дастлаб 33 миллион сўм, сўнгра 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, эшик ва дераза-ромларни ясашни бошлади. Бугун унинг маҳсулотлари нафақат туман, балки вилоят миқёсида харидоргир. Жўрабек Бозорбоев хонадонидан устакхона ташкил этиб, 5 та иш ўрни яратди. Бу ерда турли хил эшик ва деразалар ясашиб, вилоят бўйлаб мижозларга етказиб бериляпти. Қувонарлиси, у маҳалла ёшларига касб-хунар ўргатяпти. Бозорбоевлар оиласи чорвачилик ва паррандачиликдан ҳам қўшимча даромад топяпти. Тумanning “Дехқон” маҳалласида ҳам катта ишлар қилиняпти. Яқинда маҳалла марказида тикувчилик цехи

ишга туширилди. Муҳайё Саидова раҳбарлик қилаётган ушбу ишлаб чиқариш цехида 10 нафар хотин-қиз банд. Бу ерда 5 нафар маҳалла кизи “устоз-шогирд” аънаси асосида хунар ўрганяпти. Имтиёзли кредит асосида қўшимча асбоб-ускуналар харид қилиб, фаолиятини янада кенгайтирди. Бу қўшимча ишчи ўрни яратилиши демакдир. Мазкур маҳаллада ташкил қилинган яна бир тикувчилик цехида иш қизғин. 15 йиллик иш тажрибасига эга Максуда Бобоқонова бошчилигида 6 нафар хотин-қиз ўзининг сеvimли иши билан шуғулланиб, тўй сарполари, мавсумий либослар, парда ва бошқа намуналарни буюртмалар асосида харидорларга етказиб бериляпти. Хуллас, маҳаллада бўш қолган, ўз ишига эга бўлмаган одамни учратмайсиз. Умуман, гурланликларнинг меҳнатқашлиги, ишбилармон ва тadbирли экани улар эришяётган ютуқ ва натижаларда яққол акс этаётир.

“СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ”

Тушунтириш туфайли тадбиркорлар тўғри тадбир танлаяпти



Шу кунларда ҳаво ҳарорати кескин исиб кетди, лекин иш фаолиятимиз тўхтагани йўқ. Маҳаллама-маҳалла юриб, аҳолига солиқ борасида амалий кўмак ва маслаҳат бераймиз. Фуқаролар ҳам солиқларини ўз вақтида тўлаш учун меҳнат қияпти.

Хусниддин СУЛАЙМОНОВ,
Улуғнор туманидаги
“Ўзбекистон”, “Чўлобод”, “Файзобод”,
“Нуробод” маҳаллалари
солиқ инспектори.

Чўлни бўстонга айлантирган улўнорликлар, асосан, қишлоқ хўжалиги экинлари — пахта, ғалла, боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Даромад ҳам шундан. “Нуробод” маҳалласининг 90 фоиз аҳолиси томорқа ер майдонларида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида помидор екишяпти. Маҳсулотларнинг бозордан ортгани туман марказидаги томат ишлаб чиқариш корхонасига етказиб бериляпти. “Маҳаллабай” ишлаш тизими туман марказидан 20 километр олисда бўлган мазкур маҳаллалар аҳолиси учун катта қулайлик яратди. Бугун улар туман марказига қатнаб, вақтини ва пулини кетказаятгани йўқ. Таригбот ва тушунтиришларимиз натижасида “Soliq” мобил иловаси ёрдамида солиқ соҳасига оид кўплаб масалаларни уйдан чиқмаган ҳолда ҳал этишяпти.

Биз, солиқ инспекторлари ҳам олдингидек, бир-иккита эмас, балки йигирмадан ортиқ йўналиш бўйича ишлаяпмиз. Асосий фаолиятимиздан келиб чиқиб, маҳаллаларда янги “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, аҳолини ишли қилишга, қўшимча даромад топишга ўргатяпмиз. Натижада деҳқончилик билан бира, савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ривожланияпти. Шунингдек, ишламай турган, кам қувватда ишлаётган тадбиркорлар билан суҳбатлар олиб бориб, уларнинг тўлиқ қувватда ишлашларини таъминлаяпмиз. Жорий йилнинг ўзида 6 та ишламай турган тадбиркорлик фаолияти тикланди, 6 нафар ноқонуний ишлаётган фуқаро тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. 26 та корхонада 46 нафар ишчи фаолияти расмийлаштирилди. 3 та тадбиркорлик субъектига онлайн-назорат касса машинаси ўрнатилди. Баъзи одамлар тадбиркорлик фаолиятини қандай юриштишни билмайдди, лекин номига кредит олиб, “банкрот” бўляпти. Бу камбағалликни қисқартиришга эмас, балки баттар камбағал бўлишига олиб келади. Шу боис тадбиркорлик билан шуғулланишни истаётган

Бугунги кунда тўртта маҳаллада 109 та юридик шахс, 90 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритяпти. 735 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди. 1 765 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган. 1 667 нафар мол-мулк ва 1 874 нафар ер солиғи тўловчиси бор.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ҚАЙСИ ҲИСОБОТЛАР ТОПШИРИЛМАЙДИ?

Ботир НИШОНОВ. Сурхондарё вилояти:

— Яқинда ишлаб чиқариш фаолиятини бошладим. Айтингчи, қатъий белгиланган сўммада айланмадан олинандиган солиқ тўловчилар қайси ҳисоботларни топширмайди?



Исматулло СЕВИНЧОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори:

— Солиқ тўловчилар ихтиёрий тартибда айланмадан олинандиган солиқни қатъий белгиланган сўммада тўлашни танлаши мумкин. Ушбу ставкалар жами даромади 500 миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун йилига 30 миллион сўм, 500 миллион сўмдан ошган солиқ тўловчиларга эса 40 миллион сўм миқдорида белгиланган. Катъий белгиланган миқдорда айланмадан олинандиган солиқ тўловчилар ушбу солиқ ва дивидендлар кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мажбуриятидан озод қилинади. Айланмадан олинандиган солиқни қатъий белгиланган солиқ ставкаси бўйича тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари йиллик молиявий ҳисоботларни солиқ органларига топшириш мажбуриятидан озод этилади.


ЭШИТДИНГИЗМИ?

ЯНГИЧА ХИЗМАТ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Солиқ қўмитаси ўз фаолиятида мижозга йўналтирилган ёндашувни изчиллик билан давом эттирмоқда. Хусусан, Солиқ қўмитасига таширф буюрган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари учун замонавий талабларга жавоб берадиган янги хизмат кўрсатиш маркази ишга туширилди.



Мурожаатчиларга вақт тежаш ва навбат кутишдаги ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида электрон навбат тизими жорий этилди. Хона барча зарурий жиҳозлар билан таъминланган. Таширф буюрувчиларнинг муаммоси ёзиб олиниши биланок, у билан боғлиқ барча маълумотлар шу ернинг ўзида, бевосита Солиқ органларининг ички маълумотлар базаси орқали текширилади. Бу эса мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнини тезлаштириб, ортиқча қорғозбозликнинг олдини олиш, масалани тезкор, аниқ ва тўғри ҳал этиш имконини беради. Зарур ҳолларда, кейинги ҳаракатлар бўйича профессионал маслаҳатлар ҳам тақдим этилади. Мурожаатчиларга кўрсатилаётган барча хизматлар “кабулдан то маслаҳатгача” тамойили асосида солиқ органларининг махсус тайёргарликдан ўтган ходимлари томонидан амалга ошириломоқда. Ушбу ишлар, аввало, Солиқ қўмитасининг мижозга йўналтирилган, сервис хизмат кўрсатувчи ташкилот сифатидаги нуфузини ошириш, солиқ тўловчилар билан очик ва самарали мулоқотни таъминлашга хизмат қилади. Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.



ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИ зўравонлик
содир этган шахсларни
психологлар ишлаб чиққан
индивидуал тузатиш
дастуридан ўтказади.



Эндиликда
автомобилларни жарима
майдончасидан олиб
чиқиш учун рухсатномани
ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА ОЛИШ
МУМКИН бўлади.



Ўзбекистон
ЭНГ ХАВФСИЗ
МАМЛАКАТЛАР
РЕЙТИНГИда 25-ўринни
эгаллаб, Марказий
Осиёдаги энг энг хавфсиз
давлат бўлди.

ДХХ КУБОГИ

“ШОВОНА” ВА “ҚОРАҚИШЛОҚ” КУЧ СИНАШДИ

Маҳалла ёшлари ўртасида футбол бўйича ўтказилган “ДХХ кубоги” баҳсларининг Самарқанд вилояти босқичи финали “Динамо” стадионида ўтказилди.



Ғолиб ҲАСАНОВ,
журналист.

Унда Кўшработ туманидаги “Шовона” маҳалласи ва Иштихон туманидаги “Қорақишлоқ” маҳалласи жамоалари ўзаро куч синашди. Мurosасиз курашлар остида ўтган учрашувда ғолиб пенальтилар сериясида аниқланди. Натижаларга кўра, иштихонлик ёшлар 7:6 ҳисобида ғалаба қозониб, вилоят босқичи ғолиби бўлди ва “ДХХ кубоги”ни қўлга киритди. Мусобақада учинчи ўринни Пайариқ туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласи жамоаси эгаллади. Шунингдек, мини футбол бўйича “ДХХ кубоги” вилоят босқичининг ўғил болалар баҳсида биринчи ўринга Тойлоқ туманидаги “Тепак-қишлоқ” маҳалласи жамоаси эга бўлди. Иккинчи ўрин Нарпай туманидаги “Тортувли” маҳалласи жамоаси, учинчи ўрин эса Пахтачи туманидаги “Гулбод” маҳалласи жамоасига насиб этди.

Қизлар ўртасида Жомбой туманидаги “Нафис” жамоасига тенг келадиган топилмади. Ушбу баҳсда иккинчи ўринни Кўшработ туманидаги “Тумарис” жамоаси, учинчи ўринни Пайариқ туманидаги “Севинч” жамоаси қўлга киритди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан диплом, медаль ва кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тадбир доирасида спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Киберхавфсизлик маркази.

Хужумлар 2025 йил 24 июнь куни бошланган. Ушбу давр мобайнида “Facebook” орқали 140 дан ортиқ турли реклама вариантлари тарқатилган бўлиб, улар нафақат АКШ, Европа, Австралия, Хитой, Ветнам, Хиндистон ва Филиппин, балки Марказий Осиё давлатларини ҳам нишонга олган.

Хужум қандай ишляйди? Жиноятчилар икки хил йўл орқали фойдаланувчиларни тузоққа туширмоқда.

Биринчиси, сохта “Pi Wallet” саҳифалари орқали. Бу жараёнда рекламалар орқали фойдаланувчи

рухсат этилган “Pi Network” сайти деб ўйлаган ҳаволага ўтади. У ерда ундан 24 та сўздан иборат тиклаш (recovery) паролини киритиш сўралади. Бу гўёки 628 та “Pi token” ютиб олиш ёки “airdrop” тадбирида иштирок этиш учундек. Аммо фойдаланувчи бу маълумотларни киритгач, хужумчилар тўлиқ кириш ҳуқуқини қўлга киритади ва барча маблағларни дарҳол бошқа манзилга ўтказади.

Иккинчиси, зарарли дастур сифатида “сохта кончи” (mining) иловалардир. Бу жараёнда бошқа рекламаларда фойдаланувчиларга “31.4 Pi token” ваъда қилинади. Улар “кончилик дастури”ни компьютерларига юклаб олиб ишга туширганларида, аслида улар яширин вирусни ишга туширишади. Ушбу

зарарли дастурлар “Bitdefender” томонидан “Generic.MSIL.WMI.Task” ва “Generic.JS.WMI.Task” номлари билан аниқланган бўлиб, улар бир неча босқичда ишляйди.

КўП БОСҚИЧЛИ ЗАРАРЛИ ХУЖУМ ТИЗИМИ
1-босқич: антивируслардан яшириниш учун махсус обфускация (кодни чалкаштириш) техникаси ишлатилади.

2-босқич: браузерда сақланган пароллар, аутентификация токенилари ва криптовалюта ҳамён калитлари ўғирланади.

3-босқич: фойдаланувчининг клавиатурада босган ҳар бир тугмаси кузатилиб, ёзилган ҳар қандай пароллар, тиклаш сўзлари ва молиявий маълумотлар реал вақт режимида хужумчиларга юборилади.

4-босқич: тизим қайта ишга туширилганда ҳам вирус ишлашда давом этади, яъни у доимий яшарин фаолиятда бўлади.

5-босқич: махсус серверлар билан боғланиб, ўғирланган маълумотларни юборида ва янги зарарли кодларни юклаб олади.



зарликлар инсон омили иштирокисиз қайд этилиб, маҳалла ҳудудига ким, қачон келиб-кетгани кузатиб бориляпти.

Шунингдек, кўп қаватли уйларнинг ҳар бир йўлагига замонавий қўлф-калит, инсон юзидан танувчи видеокуррилмалар, “ташвиш тугмаси” ўрнатилди. Жамоат жойларида ўрнатилган “SOS” чакирув тугмасини босиш орқали ҳар қандай хавф тезкор бартараф этиляпти. Чунки хабар олингандан сўнг Қўриқлаш хизмати ходимлари воқеа жойига 2-3 минутда етиб боради. Бунинг натижасида бу йил ҳисобидан биронта ҳам жиноят бўлмади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси “Янги Камолон” маҳалласида ҳам бўй кўрсатяпти. Кўп қаватли уйлар, дўконлар, фуқаролар йиғини биноси за-



монавий қиёфа касб этди. Ички йўллар текисланиб, атрофи кўкаламзорлаштирилди. Сўлим сайилгоҳ ва пиёдалар йўлаги, нуронийлар оромгоҳи, спорт ва болалар майдончалари барпо этилди.

Аҳолига яратилган бундай қулай шарт-шароитлар жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, ишсизлик жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири эканини инобатга олган ҳолда фуқаролар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Биргина Бунёдкор кўчасида санъат ва маданият масканлари, турли идоралар, кўп қаватли уйлар, супермаркет ва ресторанлар жойлашганини инобатга олиб, унинг 1,5 километр қисмини хизмат кўрсатиш ва гастротуризм кўчасига айлантирдик. Шу мақсадда бу ердаги 90 та тадбиркорлик субъекти туну кун ишлаш тартибига ўтказилди. Натижада 500 киши иш билан таъминланди. Шунингдек, 60 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳалла ёшлари иш билан банд. Бу йил хунармандлар маскани, дала маҳсулотлари ва қандолатчилик дўконлари, новвойихона ташкил этилди, хусусий тиббиёт пункти очилди. Натижада маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланди.

Бундай натижаларга эришишимизда Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этапти. Бу бора-



да “маҳалла еттилиги” билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиб, ҳуқуқбузарлик содир этиши ва жиноят қурбонига айланиб қолиши мумкин бўлган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишляпмиз. Ҳар бири ҳақида “еттилик” аъзоларига ижтимоий профилактик хулосаси асосида бириктириб, ижтимоий-маиший муаммоларини биргаликда ҳал этапмиз.

Яқинда маҳаллаимизга ташриф буюрган давлатимиз раҳбарига “маҳалла еттилиги” билан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳисобот бериб, жорий йил охиригача маҳаллада бирорта жиноят содир бўлмаслигига ваъда бердим. Бунинг учун менда билим ва тажриба, шароит ва имконият етарли. Президентимизнинг “Катта лейтенант энди капитан бўлди”, деган гаплари мен учун қутилмаган эътироф бўлди. Албатта, бу юксак ишончни Ўзбекистон Республикаси халқи ва Президентига садоқат билан хизмат қилиш учун ичган қасамёдим билан оқлайман. Бу йўлда изланиш ва ҳаракат қилишдан асло тўхтамайман.

ҚАРЗДОРЛИК ПЕНЯСИ СУД ҚАРОРИДАН КЕЙИН ТЎХТАТИЛАДИМИ?

Баҳодир ТўЛАГАНОВ.
Тошкент вилояти:

— Банкдан 80 миллион сўм микроқарз олган эдим. Бироқ ўз вақтида қайтара олмаганим учун судга чиқарилиб, муддати ўтган ва қолган қарздорликни банк фойдасига тўлиқ ундириш белгиланди. Саволим шуки, суд қарори чиққан бўлса ҳам, банк фойзаларни ҳисоблашни тўхтатмаяпти. Шу тўғрими?

Азиз ОБИДОВ,
Олий суд жамоатчилиги
билан алоқалар маркази
бошлиғи:

— Фуқаролик кодексининг 744-моддасига асосан, кредит бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда суд қароридан кўрсатилган, кредит бўйича ундирилаётган суммага фойзалар, шунингдек, неустойка (жарима ёки пеня) ҳисоблашни тўхтатилади. Бироқ мазкур қоида микроқарз муносабатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...



ОГОҲ БЎЛИНГ!

“Facebook”: тузоқ ишончли кўринган рекламанинг ўзидан

Сўнгги вақтларда “Facebook” ижтимоий тармоғи орқали фойдаланувчиларни нишонга олувчи, пухта режалаштирилган зарарли киберхужумлар аниқланыпти. Жиноятчилар фойдаланувчиларга сохта “Pi Network” рекламалари орқали зарарли дастурларни тарқатиб, уларнинг криптовалюта ҳамёнларига кириш имконини қўлга киритмоқда.



Threat Actors Weaponizing FACEBOOK ADS

НЕГА БУ ИШЛАМОҚДА?

Бу кампания фойдаланувчиларнинг “Facebook” рекламаларига бўлган ишончидан, криптовалюта хавфсизлиги бўйича тажрибасизликларидан, “тез бойиб кетиш” истагидан фойдаланмоқда. Афсус-

ки, таҳдидлар тобора такомиллашиб борапти. Улар ижтимоий тармоқлар орқали ишончли кўринган реклама воситаларидан усталик билан фойдаланиб, глобал миқёсдаги зарарли кампанияни юритмоқда.

ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ
КЕРАК?

Хеч қачон ҳамёнингиздаги 24 сўзли тиклаш кодини бировга ёзмаган! Сохта рекламаларга алданманг. Чунки “юқори даромад” ваъдалари ортида кўпинча тузоқ бўлади. “Facebook”даги рекламаларда шубҳали ҳавоаларга босманг. Антивирус ва хавфсизлик дастурларингизни янгилаб туринг.

Агар сиз “Pi Network” фойдаланувчиси бўлсангиз, фақат расмий илова ва манбаларни ишлатинг. Хужумчиларнинг бу кампанияси нафақат фойдаланувчиларнинг криптовалюта активларини хавф остига қўймоқда, балки ижтимоий тармоқларнинг хавфсизлигига бўлган ишончни ҳам заифлаштирмоқда.

Шунинг учун барчамиз хушёр бўлишимиз, дўстларимиз ва оиламизни огоҳлантиришимиз лозим. Унутманг, интернетдаги энг ёмон тузоқлар ишончли кўринган рекламаларнинг ўзидандир.



Ўзбекистонда хусусий тиббий клиникаларга **ОРГАН КЎЧИРИБ ЎТКАЗИШ** бўйича операцияларни ўтказишга рухсат берилиши мумкин.



Ҳукумат қарорига кўра, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга **НАФАҚА ТАЙИНЛАШ** ТАРТИБИ белгиланди.



Жаҳон банки тадқиқотига кўра, Тошкентда **ЖАЗИРАМА БИЛАН БОҒЛИҚ ОРТИҚЧА ЎЛИМЛАР** ҳар 100 минг кишига 19-21 тани ташкил этмоқда.

МАНЗАРА

Ирода кучи билан қийинчилик имкониятга айланди

Шу пайтгача имконияти чекланган фуқароларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш борасида қатор камчиликлар мавжуд эди. Кўплаб ногиронлиги бўлган шахслар ўзининг меҳнат қилиш, мустақил даромад топиш, жамиятга фойда келтириш орзусини рўёбга чиқариш имкониятидан четда қолаётганди.

Диана АСҚАРОВА,
Беруний туманидаги
“Бўстон” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Бугун эса ёндашув бутунлай ўзгарди — давлат ва маҳаллий ҳокимликлар мазкур тоифадаги кишилар бандлиги, уларнинг касб-хунар эгаллаши ва тадбиркорликка жалб қилинишига кенг йўл очмоқда. Бу ёндашув натижасида имконияти чекланган фуқаролар ҳам ўз меҳнати, салоҳияти билан жамият ҳаётида фаол иштирок этишга эришмоқда.

Бугун аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича эзгу савъ-ҳаракатлар чекка-чекка ҳудудларгача етиб бораётгани қувонарли ҳолат. Хусусан, Беруний тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳам давлат раҳбарининг белгилаб берган савъ-ҳаракатлариغا ҳамоханг равишда



тизимли ишларни амалга оширмоқда. Бунда айнан ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжидан келиб чиқиб, улар учун ҳаётий зарур чоралар кўрилмақда. Айниқса, ташаббусларни фуқароларнинг ўзи билдираётгани, ислохотларнинг қўллаб-қувватланиши, олиб борилаётган ишларнинг ижобий натижаси демак.

Беруний туманидаги “Бўстон” маҳалласида яшовчи Жамолиддин Худайбергеновни ана шундай ташаббускор фуқароларимиздан бири, дейиш мумкин. Кутилмаган ҳасталик ва тақдирнинг оғрикли синови бу киши-



нинг қаддини бука олмади. Аксинча, у ўзида ирода ва куч топиб, жисмонан бўлмаса-да, руҳан оёққа турди.

Жамолиддин ака кулолчилик, асаларичилик ва боғдорчилик фаолияти билан йиллар давомида шуғулланиб келган. Кўчат парваришlash ва етиштириш бўйича чуқур билимга эга. Фуқарони имконсизликдан имкон топиб, ҳаёт қийинчиликларини ўзининг имкониятларига айлантирган инсон, дейиш мумкин.

У 1 гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, ҳозирги кунда томорқасида лимон ва турли кўчатлар етиштиришни йўлга қўйган. Бу хунарни турмуш

ўртоғи ва фарзандларига ҳам ўргатапти. Мазкур оила уйида кичик тадбиркорлик билан шуғулланиб, томорқасидан унумли фойдаланиб келмоқда.

Буни қарангки, Жамолиддин ака нафақат оила аъзоларини лимончилик билан шуғулланишга жалб қилди, балки бугунги кунда фаолиятини кенгайтириб, маҳалладошларини иш билан таъминлади. Ҳозирда хонадонида 10-15 нафар фуқаро мавсумий ишлаб, қўшимча даромад топяпти. Ходимларга кунига 150-200 минг сўм атрофида иш ҳақи берилади. Кичик тадбиркорликдан

қолаётган даромад кўзни қувонтирар даражада, десак хато бўлмайди. Жамолиддин ака лимончиликдан йилига 500 кг. атрофида ҳосил олади, ўртача йиллик даромад эса 25-30 миллион сўмни ташкил этади. Ҳар мавсумда 10 мингга яқин кўчат сотилиб, бу орқали хонадонга 100 миллион сўмгача маблағ келади.

Жамолиддин ака ҳозирда лимончилик фаолиятини кенгайтириш истагида. У ўз имкониятларини ишга солиб, оиласининг кичик бизнес билан шуғулланишни қўллаб-қувватламоқда. Фуқаро имконияти чекланган бўлса-да, ўзгадан ёрдам кутиб ўтирмайди. Аксинча, бор кучини ишга солиб, бошқалар қорига ярашга астойдил ҳаракат қилади.

Бу каби ташаббуслар нафақат бир инсоннинг ҳаётини ўзгартириш, балки бутун жамиятда имконияти чекланган шахсларга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга хизмат қилади. Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ўз меҳнати билан даромад топиши, оиласига, жамиятга фойдали бўлиши, касбини ривожлантиришга интилиши — ижтимоий инклюзиянинг амалий намунаси бўлиб, барчамиз учун ибратдир. Давлат томонидан яратилаётган ана шундай имкониятлар инсон қадрини улуғлаб, ҳар кимнинг ҳаётдан муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашмоқда.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

ЁРДАМ СЎРАШ — БИРИНЧИ ВА ЭНГ МУҲИМ ҚАДАМ

Орамизда ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган, турли қийинчиликларга дуч келаётган фуқаролар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар ичида ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ишини ёки яқинини йўқотганлар, оилавий зўравонлик қурбонлари ва бошқа эҳтиёжманд гуруҳлар мавжуд. Бундай инсонлар нафақат моддий, балки руҳий қўллаб-қувватлашга ҳам муҳтож.



Гулшода ҲАМИДОВА,
Кармана тумани “Инсон” ижтимоий
хизматлар маркази психологи.

Айнан шундай ҳолатларда когнитив терапия — киши тафаккурини соғломлаштириш орқали ҳиссий ва ҳулқий муаммоларни бартараф этишга қаратилган замонавий ёндашув самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.

КОГНИТИВ ТЕРАПИЯ НИМА ВА У ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Когнитив терапия — инсоннинг салбий фикрлаш шаклларини аниқлаб, уларни ижобий, реалистик фикрлар билан алмаштиришга йўналтирилган психологик муолажа. Одатда, бу даволаш усули қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

- депрессия ва руҳий тушқунлик;
- жароҳатдан кейинги зўриқиш;
- қисқа муддатли ёки сурункали қўрқув ва ҳавотир;
- ўзини айбдор ҳис қилиш, паст баҳолаш;
- ҳаётга умидсизлик билан қараш.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар кўпинча ҳаётнинг оғир синовлари туфайли ўз салоҳиятини паст баҳолайди, келажакка ишонч билан қарай олмайди. Янгича ёндашув орқали эса уларнинг ўз-ўзини англаш, ҳаётини кучларни сафарбар этиш, муаммага реал ёндашиш кўникмалари шакллантирилади.

Психологик хизматлар қандай ташкил этилмоқда?

Барча туман (шаҳар)лардаги ижтимоий хизмат марказларида малакали психологлар томонидан қуйидаги йўналишларда хизмат кўрсатишмоқда:

- индивидуал (яккама-якка) суҳбатлар орқали шахсий муаммолар устида ишлаш;
- гуруҳий терапиялар — ўхшаш ҳолатдаги инсонлар биргаликда фикр алмашишда;
- амалий машқлар — фикрлашни ижобий томонга ўзгартирувчи топшириқлар;
- ҳаётини кўникмаларни ривожлантириш — зўриқишга бардошлилиқ, қарор қабул қилиш, ўз фикрини ифодалаш.

Рухий саломатлик инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Когнитив терапия эса нафақат даволовчи, балки умид бахш этувчи восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, психологик ёрдам олиш, ўзини тушуниш ва ҳис-туйғулар устида ишлаш — заифлик эмас, балки жасоратдир.

Бугун жамиятимиздаги қўллаб-қувватлаш инсонлар психологик хизматлар орқали ўз ҳаёт йўлини янгидан кўрмоқда. Бунда ҳар биримиз жамият аъзоси сифатида уларни тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва имконият яратишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин. Унутманг, ҳар қандай оғир ҳолатдан чиқиш йўли бор. Ёрдам сўраш — биринчи ва энг муҳим қадамдир.

ЭЪТИБОР

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ ҲУҚУҚИЙ, ҲАМ РУҲИЙ КЎМАК

Халқ фаровонлиги — давлат сиёсати марказида. Айниқса, оғир аҳволга тушган, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари муҳим ўрин тутмоқда. Улар орқали маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, кам таъминланган аҳолини моддий, ҳуқуқий ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олган.



Авазбек АБДУСАМАНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Сирдарё вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Гулистон шаҳридаги “Истиқлол” маҳалласида истиқомат қилувчи Зебо Носирова ана шундай кўмакдан баҳраманд бўлган фуқаролардан бири. Турмуш ўртоғини йўқотиб, икки фарзанди билан ҳаёт қархпалагида ёлғиз қолган Зебо учун ижтимоий хизматлар умид нуруни қайтарди.

— Ўша кунлар эсимдан чиқмайди, — дейди Зебо Носирова. — Турмуш ўртоғим инсульт бўлиб вафот этди. Қўлимда икки бола, кичигимни ногиронлиги бор. Йўл ҳам, ёрдам ҳам йўқ эди. Кейин ижтимоий ходим келди. Мени тинглади, руҳимга таскин берди. Ўша кундан бошлаб ёрдамлар берилди, нафақалар тайинланди. Мен яна ўзимга ишона бошладим.

Оилани қўллаб-қувватлаш ишлари маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан амалга оширилди. Унинг айтишича, масалага индивидуал тарзда ёндашиш ҳамиша ўз натижасини беради.

— Зебо опанинг хонадонини “Камбағал оилалар реестри”га киритилди, — дейди ижтимоий ходим Икром Маҳкамов. — Шундан сўнг ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда алоҳида хизмат режаси ишлаб чиқилди. Шу асосда оилага бир неча турдаги ижтимоий нафақалар тайинланди. Кичик фарзанди камхўрлик гуруҳига жалб қилинди. Шу билан бирга, Зебо опага психолог бириктирилди.

Ижтимоий хизматлар нафақат моддий барқарорлик, балки иқтисодий мустақиллик сари қадам ташлашга имкон берди. Давлат ва ҳомий ташкилотлар кўмагида Зебо опанинг хонадонига 10 киловатт-соатлик куёш панели ўрнатилди. Бугун бу хонадон муқобил электр энергия манбасига эга.

Мутахассислар таъкидлашча, муқобил энергия манбалари нафақат экологик тозаликни, балки уй хўжалиги харажатларини қисқартириш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Қолаверса, эҳтиёждан ортган қисмини давлат харид қилапти. Бу бир ойда ўртача 3-4 миллион сўмгача соф даромад тайин дегани. Зебо опа ва унинг фарзандлари учун бу муҳим қадам бўлди.

— Менга ишонч билдиришди. Давлат ёлғиз эмаслигимни кўрсатди. Энди мен яхши яшашимга, болаларим келажакда ишончман. Бундан қатта бахт йўқ, — дея хурсандлик билан сўзини якунлайди Зебо опа.

Бу оила тажрибаси шундан далолат берадики, “Инсон” маркази, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган комплекс ёндашув фуқаролар ҳаётида том маънода бурилиш ясаши мумкин. Куёшли хонадон — шунга ёрқин мисол.



ЛАВҲА

ЎЗГАЛАР ПАРВАРИШИДА МУҲТОЖЛИК СЕЗИЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Мазкур ҳужжат нафақат ногиронлиги бўлган, балки ёлғиз яшовчи, қаровсиз қолган ва ўзига тўлиқ хизмат қила олмайдиган фуқароларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, ижтимоий хизматларни такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,
журналист.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб ижтимоий ҳимоя йўналишида тизимли ва манзилли ишлар олиб боришмоқда. Тошкент вилоятида ҳам бу борадаги фаолият эътиборга лойиқ даражада йўлга қўйилган. Хусусан, Оҳангарон шаҳрида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган, ёлғиз яшовчи ва ногиронлиги бўлган 103 нафар фуқаро аниқланган. Уларга манзилли хизмат кўрсатиш мақсадида 2025 йил 1 июлдан бошлаб, Оҳангарон шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг 21 нафар ижтимоий ассистенти ваучер асосида уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш ишларини йўлга қўйди.

Ижтимоий ассистентлар, асосан, овқат тайёрлаш, хонадонни тозалаш, кийим-кечакларни ювиш, зарур озик-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини олиб келиш, гигиеник парвариш, тиббиёт ва спорт муассасаларига ҳамроҳлик қилиш, турли кўникмаларни ўргатиш, ўз-ўзига хизмат қилиш каби йўналишлар бўйича ёрдам кўрсатмоқда.

Оҳангарон шаҳрининг “Шодлик” маҳалласида яшовчи Ким Мария ушбу хизматлардан доимий фойдаланувчилардан бири. Корейс миллатига мансуб, ёлғиз яшовчи бу кекса аёлга ҳафтасига беш кун давомида икки соатдан ижтимоий кўмак ташкил этилган.

— Менга кўрсатилаётган хизматлардан жуда мамнунман, — дейди Ким Мария. — Саломатлигим аста-секин тикланмоқда. Ўзбек халқининг меҳр-оқибатини қадрлайман. “Инсон” қадри — давлат эътиборида” деган ғоя ҳаётимизда ўзифодасини топаётганидан хурсандман.

Унинг ҳаёти мисолида кўриш мумкинки, ижтимоий хизматлар орқали ёши катта ва ногиронлиги бўлган фуқароларни ижтимоийлашувга қайтариш, уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини тиклаш имконияти яратилмоқда.



Ўзбекистон испанлар орасида САЁХАТ УЧУН ЭНГ МАШХҲҮР ЙЎНАЛИШлардан бирига айланди.



Хитойнинг “China Eastern Airlines” авиакомпанияси “СИАН – ТОШКЕНТ – СИАН” йўналиши бўйича мунтазам йўловчи қатновларини йўлга қўйди.



ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ 19,3 миллион нафари шаҳарларда истиқомат қилса, 18,6 миллион нафари қишлоқларда яшайди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Дабдаба бахт келтирмаган

Катта ресторан, қимматбаҳо тўй либоси, юзлаб меҳмонлар, ижарага олинган машиналар, махсус фото ва видео сессиялар — буларнинг барчаси ёш оилаларни турмуш бошламоқчи бўлган пайтидаёқ мураккаб молиявий тўсиқлар қаршисида қолдирмоқда. Тўйнинг эртасигаёқ олинган қарзларни узиш ташвишида руҳий мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни барчамиз кўрдик, кўряпмиз.



Махфуза ЙЎЛДОШЕВА, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори.

Яқин йилларда жамиятимизда моддий дабдабозлик руҳидаги ҳаёт тарзи тобора урфга айланиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Бундай иллат нафақат шахсий, балки кенг қўламли ижтимоий муаммоларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Ортиқча сарф-харажатли тўйлар, “маросимлар”, бундан ташқари, эҳтиёждан ортиқча либос ва буюмларнинг сони ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, жамиятда психологик босим, сунъий ижтимоий тенгсизлиқни келтириб чиқаряпти. Меҳнат ва ақл эмас, кўзбўямачилик ва дабдабали ҳаётга интилиш “муваффақият” сифатида қабул қилинаётгани жиддий хатардир.

Ҳою ҳавасга берилиш, аввало, аҳолининг иқтисодий жиҳатдан зўриқишига сабаб бўлади. Масалан, бир тўй учун 50-100 миллион сўм сарфлаётган оила кўпинча маблағни кредит ҳисобига амалга оширади. Бу эса йиллар давомида унинг иқтисодий эркинлигини чеклаб қўяди. Ўйин, инсонларни нафақат замонавий технология, билим ва меҳнат орқали юксалишига, балки сунъий равишда “ном чиқариш”га ундайдиган тизимлар шакллана бошлади.

Одатда, тўйлардаги дабдаба кўпроқ “кимдир кўрсин”, “овоза бўлсин” деган максатда амалга оширилади. Баъзи ҳолларда, фото-видео материаллар, ижтимоий тармоқдаги кўринишлар кўпроқ аҳамият касб этади. Ахборот асирининг “кўрсатиш” вируси инсонларни шунчаки ҳақиқатни эмас, кўз-кўз қилишни истайдиган шахсларга айлантирмоқда. Тармоқдаги ёлгон унаштирувлар, дабдаба акс этган учрашув онларини кўрган аудиториянинг кўп қисми эса айнан унинг ҳаётида ҳам шундай бўлишини исташи ва бу ашаддий истакнинг кучайиши ички имкониётлар, шароитни ҳисобга олмаган ҳолда қарз қўтаришга олиб келади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонда ҳар бир ислохот, ҳар бир қадам, аввало, инсон учун, унинг эртаси учун хизмат қилиши шарт”. Шу нуқтаи назардан маҳалла ва жамоатчилик аъзолари дабдабозликка қарши тарғибот ишларини кучайтириши бугунги ижтимоий ҳаётимизнинг энг долзарб масаласига айланиши зарур. Айрим ҳудудларда амалга оширилаётган “камсонли тўйлар” ташаббусини кенг ёйиш керак.

Маҳаллий Кенгашлар, жамоат ташкилотлари ва фаол фуқаролар тўй маросимларида оддийлиқни тарғиб қилиш, маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказиши зарур. Давлат ва жамоат ташкилотлари бу масалада фаол позицияда бўлиб маҳаллий Кенгашлар, маҳалла фаоллари ва диний арбоблар орқича дабдабани нафақат танқид қилиши, балки унинг оқибатлари ҳақида халқ билан очиқ мулоқот олиб бориши максатга мувофиқ бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали камтарлик, маънавият, меҳнатсеварлиқни тарғиб қилувчи лавҳалар, ибратли тўйлар ҳақида репортажлар, маколалар, интервьюларни бериб бориши лозим. Телевидениеда намоёйиш этилаётган сериаллар, кўрсатувларда интернет нашрлари ва блогерлар бу масалани ёритишда ёрқин намуналарни тарғиб қилиши, дабдабозлик эмас ва ақл-идрок устуворлигини намоён этиши шарт.

Таълим муассасаларида болалар ва ёшларга тўғри ҳаётий йўлни аңлатадиган, жамиятга фойдали инсон бўлишни ўқтирадиган махсус маърифий дастурлар жорий қилиниши зарур.

ЭЪЛО!

Кулмуродов Илёс Нарзикуловичга 2008 йилда Кўкалдош ўрта махсус таълим билим юртини тугатганлик ҳақида берилган С№:0002227 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКБОР ҚИЛИНАДИ.

ТАЖРИБА

Ҳалол меҳнат билан тошилган ризқ — баракали

Бир қарашда хулоса чиқариш — нотўғри ёндашув. Асл ҳолатдан хабар топмай, вазиятга ойдинлик киритмай, бир тўхтамга келиш билан хатога йўл қўйиш ҳеч гап эмас. Бунга маҳалла тизимидаги ўн бир йиллик тажрибам давомида жуда кўп гувоҳ бўлдим.

Соҳиба НАЖМИДДИНОВА, Наманган шаҳридаги “Чаман” ва “Баркамол авлод” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Хонадонма-хонадон юриш жараёнида ҳашаматли, ҳовлисида бир неча автоуловлари бўлган уйга қирар эканмиз, уларни бахтли, бекаму кўст ҳаёт кечиряпти, деган фикр ҳаёлдан ўтади. Лекин оила вакиллари билан суҳбатдан кейин қарашларимиз ўзгаради. Кимдир моддий тўқин турмуш кечираётган бўлса-да, ногиронлиги бўлган фарзанд парваришлаётганини йиғлаб сўзлайди. Бошқасининг турмуш ўртоғи билан муносабатлари яхши эмас.

Бу ҳаёт, у кимни қандай кечмишлар билан синовдан ўтказишни олдиндан билиб бўлмайди. Айрим вақтлар дастурхонида оқ қанд ва қотган нондан бўлак егулиги бўлмаган кишиларнинг бахтга бурканиб яшаётганини кўрамиз. Эр-хотин бир-бирига меҳрибон. Халол меҳнат қилиб топаётган арзимаган пули ҳам жуда баракали. Ҳар ўтган кунига шукр қилиб яшайди.

Бу каби турли шароит ва кайфиятдаги инсонларни



кўриб, ўткинчи дунёда энг муҳим мезон — яқинларимизнинг қадрига етиб яшаш эканини аңглаб етаямман. Атрофимиздагиларга берган меҳримиз ва эътиборимиз бизга ортиғи билан қайтиб келади. “Еттилик” вакиллари шу ҳақиқатни теран тушунган ҳолда маҳалладошларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан чарчамайди. Айниқса, хотин-қизлар йўналишида қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Айни вақтда мен хизмат кўрсатаётган иккита маҳалла ҳудудида 4 345 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги уйда ўзини ўзи банд қилган бўлиб, яхшигина даромад топиб

келяпти. Кўп хонадонлар тадбиркорлар олиб келган бодомни қайта ишлаш билан шуғулланади. Махсулотни пўстлогидан тозалаб, дастурхонга тортишга тайёр ҳолатга келтиради. Опа-сингилларимиз фарзанд тарбияси, уй юмушлари ва томорқасидан бўш вақтларида бирозгина меҳнат қилиш билан рўзғорига муносиб ҳисса қўшяпти.

Ўғилхон Обидова ва Нарғизахон Усмонова бир неча йилдан буён бодом ва мағиз етиштириш билан банд бўлиб, ҳудудимиздаги юздан ортиқ хонадон вакилларининг бандлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Бу йўналиш ҳар икки томонга қулайлик туғдираётгани

билан эътиборга лойиқ. Ёрдам бераман, деган киши учун ҳамisha кўмакка муҳтож одамлар топилади. Биз ҳам ўрганишларимиз натижасида Нозимахон Муродованинг меҳримиз ва эътиборимизга муҳтожлигини аниқладик. Фарзандсизлик сабаб турмуши ўхшамаган бу аёл анча вақт уйда сикилиб ўтиради. Қўлида гулдек хунари борлиги муаммога ечим топишни янада осонлаштиради. Ҳоким ёрдамчиси билан фуқарога ссуда ажратилиши бўйича ишларни бошлаб юбордик. Маблағ эвазига харид қилинган учта тикув машинаси орқали Нозимахонга тадбиркорлик эшиклари очилади. У ўзи сингари

иктидорли хотин-қизлар билан бирга бежирим либослар тикиш баробарида вақтини ҳам мазмунли ўтказаяди. Дард-ташвишлари унут бўлиб, кайфияти кўтарилади.

“Чаман” маҳалласи 2022 йилда ташкил этилгани боис ҳудудимизда қилинадиган ишлар жуда кўп. Биринчи навбатда, мактабдаги таълим ташкилоти керак. Бу қўллаб-опа-сингилларимизнинг меҳнат қилишига шароит яратиб бериши мумкин. Қолаверса, беморларимиз қўшни маҳалладаги оилавий поликлиникага қатнайдди. Бизга ақинроқ жойда тиббиёт пункти ташкил этилса, фуқаролар учун анча қулайлик яратилган бўларди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Энди ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш янада осон

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш учун бир қатор ижтимоий ёрдамларни кўрсатиб келади.



Муроджон ОТАЖОНОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Эндиликда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ўқиш харажатларини қоплаш тарзидаги ижтимоий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Яъни, 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган ёшлар учун ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш курси харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари миқдоридagi сумма тўлаб берилади.

1 августдан базавий ҳисоблаш миқдори 412 минг сўм бўлади.

Мазкур ёрдам, истисно тариқасида, ота-онаси уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётгани муносабати билан ҳомий тайинланган “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларнинг фарзандларига ҳам кўрсатилиши мумкин.





Футбол бўйича Ўзбекистон МАХСУС ОЛИМПИАДА МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ дунёда тенгсиз бўлди.



Хитойда БОКС БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА Ўзбекистон жамоаси 3 та олтин, 1 та кумуш ва 4 та бронза медалини қўлга киритди.



Тошкентда волейбол бўйича “U-19” ёш тоифасидаги спортчилар иштирокида ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!



СПОРТ

МИНИ ФУТБОЛ

ЖИСМОНИЙ
ФАОЛЛИКНИ ОШИРАДИ,
АҚЛИЙ САЛОҲИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРАДИ



Дилшод РАҲМАТОВ,
Футзал бўйича Ўзбекистон
ўсмирлар терма жамоаси
бош мураббийи.

Мини футбол — замонавий спорт турларидан бири бўлиб, у кичик майдонда ўйналадиган футбол туридир. Ушбу спорт тури тезкорлик, техника ва тактика жиҳатидан катта футболга жуда яқин, аммо ўзига хос қоидалари билан ажралиб туради. Мини футбол дунё бўйлаб кенг тарқалиб, ҳаваскорлар ва профессионал спортчилар орасида машҳурликка эришган.

Мини футбол, одатда, ёпиқ ёки очик майдонларда ўйналади. Халқаро меъёридаги майдон ўлчами 25х16 метрдан 42х25 метргача бўлиши мумкин. Унга махсус сунъий қопламали майдонлар мос келади. Ўйинда ҳар бир жамоа таркибида 5 нафар футболчи бўлади (дарвозабон билан бирга), алмаширишлар чекланмаган. Ўйиннинг давомийлиги икки бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бири 20 дақиқа давом этади.

Мини футболнинг яна бир фойдаси — унда маҳоратини оширган ёшлар келгусида катта футболда ўз имкониятларини муваффақиятли синовдан ўтказиши мумкин. Ёш ўйинчиларнинг техникаси шаклланиб боради, чунки улар кичик майдонларда мослашишга анча қийин бўлган кичик ҳажмдаги тўплар билан муомалада бўлади. Футбол тўпларининг ўлчами 5 рақамига тенг бўлса, мини футбол ўйнаш учун 4 рақамли тўплар керак. Ушбу кичик тўплар деярли сакрамайди, айланма зарбаларга деярли бўйсунмайди ва кўпинча тўғри

учади. Ушбу тўплардан сўнг, футбол тўпларида ўйнаш анчагина ёқимли бўлади.

Қолаверса, мини футбол ўйинчисининг фикр юритиш қobiliяти анча тезлашади, бунга уни кичик майдон ўргатади ва мажбур қилади. Тезкор фикрлаш ўйин давомида кўп керак бўлади. Чунки кичик майдонда рақиб дарвозасига

қадар масофа анча кам ва дарвозабондан ташқари яна 4 та ўйинчини доғда қолдириш учун имкониятлар анча чекланган.

МИНИ ФУТБОЛНИНГ
АФЗАЛЛИКЛАРИ:

- 1. Тезкорлик ва техникани ривожлантиради** — мини футболда футболчилар кичик майдонда тез ҳаракат қилишлари ва тўпни аниқ назорат қилишлари керак.
- 2. Жисмоний фаолликни оширади** — ушбу спорт тури юрак-қон томир тизими учун фойдали бўлиб, умумий жисмоний тайёргарликни оширади.
- 3. Ҳаваскорлар учун қулай** — мини футбол ўйнаш учун катта майдон ва мураккаб жиҳозлар талаб қилинмайди, шунинг учун у ҳаваскорлар орасида жуда машҳур.
- 4. Жамоавийликни шакллантиради** — у футболчиларнинг ўзаро мувофиқликда ҳаракат қилишига ва тактикани яхшироқ тушунишига ёрдам беради.
- 5. Жароҳатлар хавфи камроқ** — мини футбол ўйин майдони кичик бўлгани сабабли, футболчилар ўзаро тўқнашишлар ва жиддий жароҳатлардан қочиш имкониятига эга.

Маълумот учун, мини футболнинг илдизлари XX асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Унинг ilk шакллари Бразилия ва Уругвайда ривожланган. 1989 йилдан ФИФА мини футболнинг халқаро мусобақаларини расман ташкил қилди.

САЛОМАТЛИК

ОРТИҚЧА ВАЗН ОРТИҚЧА МУАММОНИНГ САБАБИ

Болаларда кузатиладиган семизлик — дунё эндокринологларини хавотирга солаётган муаммолардан бири. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, аيني пайтда сайёраимизда 7 ёшдан 9 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг 29 фоизи ортиқча вазнга эга.



Мухлиса ШАРИХСИЕВА,
Республика ихтисослаштирилган
эндокринология илмий-амалий
тиббиёт маркази Болалар
эндокринологияси бўлими мудири,
тиббиёт фанлари номзоди.

Агар ота-оналар фарзандлари ривожланишида бўй ўсишининг секинлашиши, ортиқча вазн ёки ақсинча, вазн етишмаслиги, ҳорғинлик, заифлик каби ҳолатларни сезса, дарҳол болалар эндокринологга мурожаат қилишлари керак. Бу, асосан, носоғлом овқатланиш, яъни фаст-фудлар, тез тайёрланувчи маҳсулотлар, ширинликлар, шоколад ва газланган ичимликларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлади.

Болаларда семириш беш ёшдан кузатила бошлайди. Бунга кўпинча мактабга чиқишдан олдин ўғил-қизлар турмуш тарзининг кескин ўзгариши, овқатланиш тартибининг бузилиши сабаб бўлади.

Семизликдан сақланишнинг асосий йўли — мувозанатли таомланишдир. Айниқса, нонушта қилишни қанда қилмаслик керак. Чунки бола кун давомида қувват берадиган калория ва углеводларнинг асосий микдорини эрталабки тановул пайтида олади. Нонушта бутқа, тухум, твoрoг ва мевалардан иборат бўлиши мумкин. Тўшлик ва кечки овқат ҳам вақтида қилиниши керак. Шунингдек, кун давомида зарур микдорда суюқлик ичишни унутмаслик зарур.

Боланинг таомномасида ортиқча углеводлар бўлмаслиги муҳим. Уларни истеъмол қилиш турмуш тарзига боғлиқ. Чунки бундай моддалар таънадаги энергия манбаи ҳисобланади. Шунинг учун агар бола кўп ҳаракатланса ва спорт билан шуғулланса, кўпроқ углеводларга муҳтож ва ақсинча, ҳаракати кам бўлса, углеводни камайтирган афзал. Бундан ташқари, истеъмол қилинадиган овқат ҳажмига ҳам эътиборли бўлиш лoзим. Болага катталар ейдиган ҳажмда овқат бермаслик керак.

Ўғил-қизлардаги семизликнинг асосий хавфи кейинчалик уларда 2-тифа қандли диабет ривожланиши мумкин. Ушбу касалликнинг дастлабки белгилари тез-тез пешоб қилиш, ташналик ва сабабсиз вазн йўқотишдир. Фарзандингизда бундай белгиларни сезсангиз, дарҳол эндокринологга мурожаат қилинг.

“Эрим ота-онамни кўргани жўнатмади”

Н.ҲИҚМАТОВА. Тошкент шахри:

— Турмуш ўртоғим ота уйимга бир ойда бир марта юборади. Яқинда икки ҳафта ўтиб, уйга боришга жавоб сўрадим. “Яқинда бординг-ку”, дея жўнатмади. Оилада учта қизимиз. Боришга шароитим, имкониятим бор. Айтингчи, эримнинг ота-онамни бориб кўришдан тўсишга ҳаққи борми?



Ўзбекистон мусулмонлари
идораси Фатво маркази:

— Аллоҳ таоло эркак кишини жисмоний ва руҳий жиҳатлари билан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратган. Оила қуриш ва унинг

осойишталигини сақлаш, бу йўлдаги барча сарф-харажатлар эркак кишининг зиммасидадир. Қуръони каримда айтиладики: “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий)

қoим турувчилардир. Сабаб — Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (бўъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидадир”. Саволингизга келсак, аёл киши ота-онасининг зиёратига бориши ҳақида Бурҳониддин Марғиновий “Ҳидоя” асарида шундай дейди: “Фатво берилган сўз шукки, эр аёлини ота-онасининг олдига боришдан ман қилмайди. Аёлининг ота-онасини ҳам аёлининг олдида ҳар жума келишидан ман қилмайди”. Ҳанафий мазҳабида машҳур бўлган “Ал-Фатовол ҳиндия” китобида айтиладики: “Эр аёлини ҳар жума бир марта ота-онасини кўргани боришдан тўсмайди. Фатво шу гапга берилган”.

Демак, сиз ота-онангизни ҳафтада бир марта зиёрат қилиш ҳуқуқига эгасиз. Шуларни эрингизга мулойимлик билан тушунтиришга ҳаракат қилинг. Сабабсиз сизга руҳсат бермаслиги жоиз эмас. Аммо турмуш ўртоғингизнинг бошқа яқинларингизнинг уйига, маросимларга боришга руҳсат бермасликка ҳаққи бор.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

МАСҲАЛАТ

КУННИНГ ЭНГ ИССИҚ ВАҚТИДА КЎЧАГА ЧИҚМАНГ!

Жазирамада, энг аввало, болалар, кексалар, ҳомиладор аёллар ва сурункали касалликлардан азият чекаётган беморлар ўз соғлиғига янада эътиборли бўлишлари зарур. Чунки бундай иссиқ ҳаво туфайли мавжуд сурункали касалликлар зўрайиши ёки иссиқлик билан боғлиқ ҳасталиклар юзгага келиши мумкин.



Абдуқамом ТЎХТАҚУЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Экологик дипломатия бўлими бошлиғи.

Бунинг олдини олиш учун:

- куннинг энг иссиқ вақти — соат 12:00 дан 16:00 гача имкон қадар ёпиқ бинолар ёки салқин жойларда бўлиш лoзим;
- уй шароитида салқинликни таъминлаш жуда муҳим. Куннинг энг иссиқ вақтларида печь, қир ювиш машинаси, қуртгич каби ўзидан иссиқлик чиқарувчи машини техникалардан фойдаланманг;
- жазирамада енгил, кенг бичимли, ҳавони яхши ўтказадиган табиий матолардан (пахта, ипак) тикилган либосларни кийиш тавсия этилади;
- кўчага чиққанда кенг соябонли бош кийим кийиш ва қуёшдан ҳимояловчи кўзойнақ тақиш шарт;
- кун давомида тез-тез салқин душ ёки ванна қабул қилиш тана ҳароратини пастайтиришга ёрдам беради;
- иссиқда оғир жисмоний меҳнат ёки спорт билан шуғулланишдан тийилиш лoзим.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
ушмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380х587, 4 б.т.
8 570 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-720

